



## Икки калима борки, улар тилга енгил, тарозида оғир ва Раҳмонга маҳбуб

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки калима борки, улар тилга енгил, тарозида оғир ва Раҳмонга маҳбуб, улар: “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, Субҳаналлоҳил аъзийм», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар қандай ҳолатда нутқ қилиш машаққатсиз, осон, тарозида ажри улуғ ҳамда Раббимиз Раҳмон таоло яхши кўрадиган икки сўз ҳақида хабар бердилар. Улар: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, Субҳаналлоҳил аъзийм» Бу сўзлар Аллоҳни улуғлик ва камолот билан васфлаш, ҳамда У Зотни ҳар қандай нуқсонлардан поклашни ўз ичига олади.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5507>

